



## ISSUES OF DIGITALIZATION IN HANDLING APPEALS FROM INDIVIDUALS AND LEGAL ENTITIES AT THE PRE-TRIAL STAGE OF CASE PROCEEDINGS

*Bekzod Dilmurodovich Turdiboev*

*Master's student of the Academy of Law Enforcement*

[b.turdiboev@mail.ru](mailto:b.turdiboev@mail.ru)

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** digitalization, appeal, individual, legal entity, pre-trial proceedings, electronic document.

**Received:** 05.05.26

**Accepted:** 06.05.26

**Published:** 07.05.26

**Abstract:** This article examines the issues of digitalizing appeals from individuals and legal entities at the pre-trial stage of case proceedings in Uzbekistan. It analyzes the advantages of using digital technologies in receiving, registering, and processing appeals, as well as existing practical challenges and the legal framework. Although digitalization increases efficiency, its improper application may lead to legal disputes and negatively affect the rights of citizens.

## ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИ РАҚАМЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Бекзод Дилмуродович Турдибоев*

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура*

*Тингловчиси*

[b.turdiboev@mail.ru](mailto:b.turdiboev@mail.ru)

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** рақамлаштириш, мурожаат, жисмоний шахс, юридик шахс, судгача юритиш, электрон ҳужжат.

**Аннотация:** Ушбу мақола Ўзбекистонда ишни судгача юритиш босқичида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини рақамлаштириш масалаларини ўрганади. Мақолада рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали мурожаатларни қабул қилиш, ҳисобга олиш ва юритишнинг афзалликлари, амалиётдаги муаммолар ва

қонунчилик асослари таҳлил қилинади. Рақамлаштириш самарадорликни оширсанда, унинг нотўғри қўлланилиши ҳуқуқий низолар ва фуқароларнинг ҳуқуқларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

---

## ВОПРОСЫ ЦИФРОВИЗАЦИИ РАССМОТРЕНИЯ ОБРАЩЕНИЙ ФИЗИЧЕСКИХ И ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ НА ДОСУДЕБНОЙ СТАДИИ ВЕДЕНИЯ ДЕЛА

**Бекзод Дилмуродович Турдибоев**

*Слушатель магистратуры Академии правоохранительных органов*

[b.turdiboev@mail.ru](mailto:b.turdiboev@mail.ru)

*Ташкент, Узбекистан*

---

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** цифровизация, обращение, физическое лицо, юридическое лицо, досудебное производство, электронный документ.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются вопросы цифровизации обращений физических и юридических лиц на досудебной стадии ведения дела в Узбекистане. Анализируются преимущества использования цифровых технологий при приеме, учете и ведении обращений, а также существующие практические проблемы и законодательные основы. Несмотря на повышение эффективности, неправильное применение цифровизации может привести к правовым спорам и негативно повлиять на права граждан.

---

**Қириш.** Бугунги кунда Юртбошимиз томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг олдига қўйган асосий вазифалардан бири, бу жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини адолатли ва ҳаққоний кўриб чиқиш, уларнинг дардини эшитиш, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, фуқароларни давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, давлат органларининг халқни ичига кириб бориши, уларнинг узоғини яқин қилиш, давлат хизматчилари томонидан уларнинг ариза, шикоят ва таклифларини ҳар томонлама тўла ва холисона ўрганиб чиқиш ҳамда фуқароларни давлат ҳокимиятига бўлган ишончини янада оширишдан иборат тизимни шакллантиришдир. Ўтган давр мобайнида бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш

тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан Халқ қабулхоналари, виртуал қабулхоналар ҳамда ишонч телефонларининг ташкил этилиши фуқароларнинг мушкулини бир мунча осонлаштирди. Эндиликда фуқаролар давлат органларига бориб вақтини сарфлаб, сарсон-саргардон бўлиб юрмасдан, яшаш хонадонидан туриб ҳам мурожаат қилиш имконияти яратилди. Бундан ташқари, давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини бевосита кўриб чиқишнинг самарали тизими йўлга қўйилди. Бу эса, фуқароларнинг мурожаат қилиш имкониятлари доирасини янада кенгайтириб, уларга бир қатор қулайликларни яратди.

Бундан ташқари, 2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши ҳам фуқароларнинг мурожаат қилиш имкониятлари доирасини кенгайтириб, уларга бир қатор қулайликлар яратилди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тубдан такомиллаштирилди. Жумладан, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуннинг 38-моддасига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга ваколатли орган, ташкилот ва муассасалар мансабдор шахсларининг жавобгарлик масаласи кучайтирилди. Бу эса, ҳар бир келиб тушаётган мурожаатларни албатта кўриб чиқиш масъулиятини оширибгина қолмасдан, фуқароларни бузилган ҳуқуқларини тиклашда ўзи самарасини кўрсатмоқда

**Асосий қисм.** Ҳозирги замонавий ҳуқуқий тизимда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда судгача юритиш босқичининг аҳамияти катта. Жисмоний ва юридик шахслар турли ҳуқуқий идораларга мурожаат қилишлари орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Мурожаатларни рақамлаштириш ушбу босқични самарали, тезкор ва шаффоф қилиш имконини беради.

Ҳар бир фуқаронинг давлат органларига ва мутасадди ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқи – демократик жамиятнинг ажралмас қисми, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминловчи муҳим воситадир.

Жамиятда қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат хавфсизлигини сақлашда фуқароларнинг ишончи муҳим ўрин тутади. Бу ишончни мустаҳкамлашда мурожаатларга муносиб муносабатда бўлиш, уларни ўз вақтида ва холисона кўриб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ, ҳар бир мурожаат ечимини топиши, адолатли ва тўлиқ кўриб чиқилиши лозим.

Мурожаатлар фақат шикоят ёки арз сифатида эмас, балки фуқаролар томонидан билдирилаётган фикр, таклиф ва мулоҳазаларнинг йиғиндиси сифатида қабул қилиниши керак. Улар орқали жойлардаги муаммолар, ҳуқуқбузарликлар ва жамоат фикри ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш, тизимдаги камчиликларни бартараф этиш имконияти яратилади.

Мурожаатлар билан ишлашда фақат қонунчилик талабларига риоя қилиш эмас, балки инсон манфаатларини устувор қўйиш, очиқлик ва шаффофлик тамойилларига амал қилиш ҳам муҳим ҳисобланади. Бу жараёнда тинглаш маданияти, масъулият, адолат ва ҳалоллик каби қадриятлар асосий ўрин тутаяди.

Мурожаатлар орқали аҳолининг ҳуқуқий ва ижтимоий муаммоларини ўрганиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва профилактика ишларини самарали ташкил этиш мумкин. Шундай экан, ҳар бир мурожаат – бу фақатгина бир шахснинг фикри эмас, балки у орқали тизимли муаммоларни кўриш ва уларни ҳал этиш имконияти ҳамдир.

Шу боисдан, ҳар бир ҳуқуқни муҳофиза қилувчи давлат органи ходимидан масъулият, диққат, тинглаш маданияти ва қонунийликка қатъий амал қилиш талаб этилади. Мурожаатлар билан самарали ишлаш – бу халққа хизмат қилишнинг энг муҳим мезонларидан биридир.

Мурожаатлар билан ишлашда асосий эътибор қонунийлик, холислик, ўз вақтида кўриб чиқиш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишга қаратилади.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган муҳим йўналишлардан бири сифатида аҳоли билан очиқ, самарали ва доимий мулоқотни таъминлаш масаласи алоҳида эътиборга олинмоқда.

Шу мақсадда ички ишлар органлари томонидан фуқаролар билан бевосита алоқани кучайтириш, уларнинг мурожаат ва эҳтиёжларини чуқур таҳлил қилиш, келиб тушаётган ариза ва таклифларни амалдаги қонунларга мувофиқ ўз вақтида кўриб чиқиш ҳамда тегишли чораларни белгилаш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 29-март куни Ички ишлар вазири генерал-лейтенант Азиз Ташпулатов раҳбарлигида, масъул мутасаддилар иштирокида аҳоли учун навбатдаги сайёр қабул ташкил этилди. Қабул жараёнида аҳолига қулай шароит яратиш мақсадида, об-ҳаво

хамда масофавий омиллар инобатга олинди. Хусусан, Тошкент шаҳри ва вилояти фуқаролари билан юзма-юз мулоқот ўтказилган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа ҳудудларда яшовчилар учун қабуллар видеоконференция орқали масофадан туриб ташкил этилди.

Ушбу тадбир давомида жами 521 та мурожаат қайд этилди. Уларнинг аксарияти фуқаролар ўртасидаги молиявий муносабатлар, йўл ҳаракати хавфсизлиги, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнлари, шунингдек, кадрлар билан ишлаш масалаларига оид муаммоларни қамраб олди.

Келиб тушган мурожаатларнинг 250 таси, яъни 48 фоизи қонунчилик асосида жойида ижобий ҳал қилинди. Қолган 271 та мурожаат бўйича эса қўшимча ўрганиш талаб этилгани сабабли, улар назоратга олинди, масъул идоралар ҳамкорлигида кўриб чиқиш учун тегишли топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилояти, шунингдек, бошқа ҳудудлардаги ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ўтказилган қабулларда жами 475 та мурожаат қабул қилинди. Уларнинг 185 таси, яъни 39 фоизи жойидаёқ ижобий ечим топган бўлса, 290 таси қўшимча текширув асосида кўриб чиқиш учун йўналтирилди.

Ҳозирги кунда жаҳонда рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, жиноят ишларини юритиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида давлат органлари фаолиятини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ишни судга қадар юритиш босқичида мурожаатларни электрон шаклга ўтказиш заруратини келтириб чиқаради.

Судга қадар иш юритиш босқичида мурожаат тушунчаси Жиноят процессида мурожаатлар – бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга берган ариза, шикоят ва хабарларидир. Ушбу мурожаатлар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Анъанавий тарзда мурожаатлар қоғоз шаклида қабул қилиниб келинган бўлса, бугунги кунда уларни электрон шаклда қабул қилиш ва қайта ишлаш амалиёти кенгайиб бормоқда.

Мурожаатларни рақамлаштириш – бу уларни электрон шаклда қабул қилиш, рўйхатга олиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларини ахборот технологиялари орқали амалга оширишдир.

Бу жараён қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- электрон қабул қилиш;
- автоматлаштирилган рўйхатга олиш;
- маълумотлар базасида сақлаш;
- таҳлил қилиш ва мониторинг;
- электрон ҳужжат айланмаси.

Мурожаатларни рақамлаштириш қуйидаги устунликларни беради: Тезкорлик – мурожаатлар тез қабул қилинади ва қайта ишланади. Шаффофлик – барча жараёнлар назорат қилинади. Инсон омилини камайтириш – хатолар камаяди. Маълумотларни сақлаш қулайлиги – архивлаш осонлашади. Аналитика имконияти – статистик таҳлил қилиш мумкин.

Рақамлаштириш жараёнида қуйидаги муаммолар мавжуд: техник инфратузилманинг етарли эмаслиги; кадрларнинг рақамли кўникмалари пастлиги; ахборот хавфсизлиги масалалари; электрон ҳужжатларнинг ҳуқуқий тан олинимидаги муаммолар;

интернет тармоғи билан боғлиқ чекловлар.

Электрон мурожаатлар билан ишлашда ахборот хавфсизлиги муҳим ўрин тутди. Чунки: шахсий маълумотлар ҳимоя қилиниши керак; маълумотларнинг ўзгармаслиги таъминланиши лозим; ноқонуний киришлар олди олиними зарур.

Бунинг учун замонавий криптографик воситалар ва ахборот хавфсизлиги тизимлари жорий қилиниши лозим.

Таклиф ва тавсиялар: Мурожаатларни рақамлаштиришни янада такомиллаштириш учун: ягона электрон платформа яратиш; кадрларни қайта тайёрлаш; ахборот хавфсизлигини кучайтириш; қонунчиликни такомиллаштириш; сунъий интеллект технологияларини жорий этиш.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ишни судга қадар юритиш босқичида мурожаатларни рақамлаштириш жиноят процесси самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён нафақат иш юритишни тезлаштиради, балки шаффофлик ва адолатлиликни ҳам таъминлайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг 11.09.2017 йилдаги ЎРҚ-445-сон Қонуни “«Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.05.2018 йилдаги 341-сон қарори “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”
5. “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонун.
6. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси.
7. Криминалистика бўйича ўқув адабиётлар.
8. ИИВ сайти маълумотлари. <https://gov.uz/oz/iiv/news/view/147209>